



ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИ ШАРҲИ


2025 йил октябрь ойи якунлари бўйича

I. 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида ички валюта бозорида хорижий валютага бўлган умумий таклиф ҳажми ўсиши, талаб ҳажми ўсишидан бироз юқори бўлди.


Хорижий валютага бўлган талаб **48,4 млрд** АҚШ долларини (кейинги ўринларда – доллар) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** ошди.

Таклиф ҳажми 2025 йилнинг ўтган даврида **41,2 млрд** долларни (Марказий банк операцияларини ҳисобга олмаган ҳолда) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **26 фоизга** ўсди.

Хорижий валютага талаб, млн долларда



Субъектлар кесимида таклиф, млн долларда



Монетар олтин сотиб олиш ҳисобига шаклланган ортиқча ликвидлик Марказий банкнинг нейтраллик тамойили доирасидаги валюта операциялари ҳамда бошқа пул-кредит инструментлари орқали стерилизация қилинди.

II. Юридик шахслар валюта таклифининг ўсиш суръати уларнинг валютага бўлган талаби ўсиш суръатидан юқори шаклланди.


Юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб 2025 йилнинг дастлабки 10 ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** ўсган бўлса, улар томонидан валюта таклифи ҳажми **38 фоизга** ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт тушумлари ҳисобига шаклланадиган валюта таклифи ушбу даврда **18 фоизга** ошиб, **14,5 млрд** долларни ташкил этди. Мазкур экспорт тушумларининг **8,1 млрд** доллари ёки **56 фоизи** ички валюта бозорида сотилди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **23 фоизга** ёки **6,6 млрд** долларга кўп).

Шунингдек, ушбу даврда ички валюта бозорига **7,3 млрд** долларлик валюта маблағлари банклар томонидан **хорижий кредитлар** ҳисобидан сотилди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 62 фоиз ёки 2,8 млрд долларга кўп).

Январь-октябрь ойларида импортни молиялаштириш манбалари таркибида ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар (конвертация) улуши **64,8 фоизни** (2024 йилда – 65,0 фоиз), хорижий валютадаги ўз маблағлари ҳисобига импортни молиялаштириш улуши **23,7 фоизни** ташкил этди (2024 йилда – 23 фоиз).

2024-2025 йилларнинг январь-октябрь ойлари давомида импортни молиялаштириш манбалари, фоизда



Сотиб олинган хорижий валютанинг асосий қисми – **51 фоизи** ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, товарлар ва хомашё импорти, **27 фоизи** – хорижий валютадаги кредитларни сўндириш, **17 фоизи** – халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **2 фоизи** – хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси ва қолган **3 фоизи** – бошқа мақсадлар учун харид қилинган.


III. Жисмоний шахсларларнинг банклар билан амалга оширилган операцияларининг ижобий сальдоси ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Аҳоли томонидан тижорат банкларига **17,4 млрд** доллар сотилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,3 баробарга** (2024 йилда – 13,2 млрд доллар) ошди.


Шу билан бирга, жисмоний шахслар томонидан **9,6 млрд** доллар сотиб олиниб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** (2024 йилда – 7,7 млрд доллар) ўсди.

Умуман олганда, жисмоний шахслар томонидан хорижий валюта таклифи ҳажми унга бўлган талаб ҳажмидан **7,8 млрд** долларга ортиқ бўлди (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробар кўп).

Аҳолининг банклар билан амалга оширилган операциялари, млн. долларда



Пул ўтказмалари орқали келиб тушган валюта маблағлари ҳажми, млн. долларда



Мазкур даврда аҳолининг банкларга валюта сотувининг асосий манбаи бўлган халқаро пул ўтказмалари орқали мамлакатимизга **15,8 млрд** доллар миқдорида валюта маблағлари келиб тушди (2024 йилнинг мос даврига нисбатан **25 фоиз** ёки **3,2 млрд** долларга кўп).

Шунингдек, халқаро пул ўтказмалари орқали мамлакатимиздан **2,2 млрд** доллар миқдорида валюта маблағлари чиқиб кетган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **147 млн** долларга камайди.

IV. Миллий валюта айирбошлаш курсида мустаҳкамланиш тенденцияси давом этиб, январь-октябрь ойлари давомида унинг қадри 7,0 фоизга ошди.

Январь-октябрь ойларида миллий валюта айирбошлаш курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф омиллари, умумий макроиқтисодий тенденциялар ва ташқи иқтисодий шароитлар таъсирида шаклланди.

Умуман олганда, мамлакатимизда экспорт, хорижий кредитлар ва пул ўтказмалари каналлари орқали валюта оқимларининг сезиларли даражада ошиши, шунингдек, хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсувчи динамикаси ҳамда импортнинг нисбатан барқарорлашиши ички валюта бозорида валюта курси мустаҳкамланишига таъсир этган омиллардан бўлди.

Валюта айирбошлаш курси динамикаси, сўм/доллар

